



2017 йил «2» март

№ 248-17

Нурабад тумани ички ишлар бўлими ҳудудий участка профилактика инспекторларига уй-жой қуриш учун бино ва ер майдонлари ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 февраль куни “Ички ишлар органлари фаолияти, тизимида мавжуд муаммо ва камчиликлар, истикболдаги вазифаларга бағишланган” видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳақидаги Самарқанд вилоят ҳокимининг 2017 йил 14 февралдаги №60-Қ сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Нурабад тумани қишлоқ фуқаролар йиғинларига қарашли маҳаллалар ҳудудларида ички ишлар идоралари фаолиятига билдирилган танқид ва эътирозлардан хулоса чиқариш, жиноятлар содир этилишини олдини олиш борасидаги тадбирларни ташкил этиш ва бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан бир қаторда кенг жамоатчилик вакилларини ҳам жалб этиш тўғрисида берилган топшириқларни ва Нурабад туман ҳокимлиги ишчи гуруҳининг 2017 йил 2 мартдаги йиғилиш баённомасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурабад туман ички ишлар бўлими ҳудудий участка профилактика инспекторларига уй-жой қуриш учун ажратилаётган ер майдонлари ва ажратилаётган фойдаланилмаётган турган бўш бинолар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Нурабад туман ишчи гуруҳига ички ишлар участка профилактика инспекторларига яшаш учун ажратилаётган биноларни таъмирлаш бўйича нуқсонли далолатнома тузиш топширилсин.
3. Участка профилактика инспекторларига ажратилаётган бинолар ва ажратилган ер майдонида қуриладиган уй-жойлар белгиланган тартибда ички ишлар органлари балансига ўтказилсин.

4.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлим бошлиғи (Ф.Эргашев)га туман ички ишлар участка профилактика инспекторларига уй-жой куриш учун ажратиладиган бино ва ер майдонларини бўйича хўжалик хариталарида жойлашган ўрнини белгилаб такдим этиш ва ер ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

5.Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи (О.Бутаев)га уй-жой курилиши учун ажратиладиган бино ва ер майдонларига кадастр хужжатларини расмийлаштириб такдим этиш топширилсин.

6.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари М.Раимшукуров ~~зиёрасига~~ юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов